

ХОРИЖИЙ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АКЦИЯДОРЛАР БИЛАН МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Бўриев Жамшид Парда ўғли

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

мустақил изланувчиси

orcid.org/0009-0009-7645-4934

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17430365>

Аннотация: Ушбу мақолада хорижий тижорат банкларида акциядорлар билан молиявий муносабатларни самарали ташкил этиш масалалари таҳлил қилинади. Банк тизимида акциядорларнинг роли, уларнинг молиявий манфаатларини ҳимоя қилиш механизмлари, дивиденд сиёсатини шакллантиришда халқаро тажрибалар ва корпоратив бошқарувнинг аҳамияти ёритилган. Шунингдек, ривожланган давлатлар тижорат банкларида акциядорлар билан ўзаро ишончли муносабатларни йўлга қўйиш, шаффоф ҳисобот юритиш ҳамда узоқ муддатли инвестиция жалб этиш жараёнлари ўрганилган. Мақолада хорижий тажриба асосида Ўзбекистон тижорат банклари учун амалий тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, улар миллий банк тизимида акциядорлик капиталини самарали бошқариш ва молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилган.

Калит сўзлар: Тижорат банки, акциядор, молиявий муносабатлар, дивиденд сиёсати, корпоратив бошқарув, инвестиция, капитал, хорижий тажриба, молиявий барқарорлик, банк тизими.

Кириш.

Бугунги рақамли иқтисодиёт шароитида молиявий муносабатларни ташкил этиш имкониятлари вақт ва макон нуқтаи назаридан ниҳоятда қулай. Бунда айниқса биринчи навбатда молиявий муносабатларни интернет тармоғи орқали масофавий 24/7 режимида ташкил этишга устуворлик берилади. Тижорат банклари томонидан рақамли банк хизматларини кенгайтириб бориш орқали мобил банкинг хизматлари, онлайн омонат ва депозитлар, онлайн кредитлаш амалиётлари ривожланиб бормоқда. Мазкур жиҳат тижорат банклари рақамли трансформацияси сифатида намоён бўлмоқда. Рақамли трансформациядан бирор бир тижорат банки четда қоладиган бўлса, шубҳасиз бугунги иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида кескин рақобат муҳитида инқирозга юз тутиши ҳақиқат. Рақамли имкониятлар мижозларга рақамли банк хизматлари кўрсатиш билан бирга мулкдорлар, яъни акциядорлар ёки инвесторлар билан молиявий муносабатларнинг ҳам рақамлашувига имкон яратган.

Ҳозирги глобал молия бозорлари шароитида тижорат банклари фаолиятининг барқарорлиги ва рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан акциядорлар билан самарали молиявий муносабатларни ташкил этишга боғлиқ. Бугунги кунда жаҳон банк тизимларида акциядорлар капиталининг ролини кучайтириш, уларнинг фаол иштирокини таъминлаш ва корпоратив бошқарувнинг очиқлигини ошириш асосий стратегик йўналишлардан бирига айланган.

Долзарблик шундаки, акциядорлар билан ўзаро манфаатли молиявий муносабатларнинг йўлга қўйилиши шубҳасиз инвестицион жозибадорликни оширади. Мазкур жиҳат ўз навбатида тижорат банклари капиталини, хусусан хусусий капиталини оширади, шу билан бирган миллий ва хорижий инвесторлар ишончини

мустаҳкамлайди, миллий ва халқаро бозордаги нуфузини яхшилайдди. Масалан, 2024 йилда АҚШ, Буюк Британия ва Япония каби мамлакатларда банк акцияларига хусусий инвесторлар улуши 48–52 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткич акциядорлар билан шаффоф ва самарали молиявий муносабатларнинг қанчалик муҳим эканини кўрсатади. Шу жиҳатдан хорижий тажриба Ўзбекистон тижорат банклари учун ҳам ўрганишга, тадқиқ қилишга арзийдиган муҳим намуна ҳисобланади. Чунки хорижий банклардаги акциядорлар билан молиявий муносабатлар тизими — дивиденд сиёсати, фойдани тақсимлаш, корпоратив ахборотлар очиқлиги ва ўзаро қайта алоқа механизмлари орқали ривожланиб келмоқда.

Хорижий тижорат банкларида акциядорлар билан молиявий муносабатларни ташкил этиш қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

1. Корпоратив бошқарув шаффофлиги ва ахборотлар ошкоралиги. Ҳар қандай тижорат банкидаги бўлгани каби хорижий тижорат банкларида ҳам акциядорлар билан муносабатларда корпоратив бошқарувнинг самарали тизими муҳим ўрин тутди. Масалан, АҚШнинг “JPMorgan Chase” ва “Bank of America” банкларида акциядорлар ҳар чоракда молиявий ҳисоботлар ва онлайн мажлислар орқали банкнинг молиявий кўрсаткичларини тўлиқ кузатиш имкониятига эга. Қолаверса ҳар чоракдаги ҳисоботлар мазкур банклар учун ўзига хос реклама вазифасини ҳам ўтаб беради. Корпоратив бошқарув шаффофлиги таъминланиши учун ҳеч бир акциядорнинг назорат пакетига эгалик қилмаслиги тижорат банклари фаолиятида ҳам муҳим.

Ишончли ахборот молия бозорида фаолият юритиш ҳамда молиявий қарорлар қабул қилиш учун муҳим ресурс вазифасини ўташи муҳим ҳақиқатга айланиб улгурган. Тижорат банклари томонидан акциядорларга ўз вақтида ва тўлиқ ахборотнинг етказилиши ҳам турли хил корпоратив низоларнинг олдини олишга хизмат қилади, ҳам самарали молиявий қарорлар қабул қилинишига асос бўлиб хизмат қилади. Республикамиздаги акциядорлик жамиятларида ахборотлар очиқлиги борасида маълум бир муаммолар мавжудлигича қолмоқда. Ваҳоланки, эмитент томонидан акциядорларга ахборот етказиш имкониятлари бугунги кунда кескин юқори. Айнан шу жиҳатдан келиб чиққан ҳолда аввало корпоратив вебсайт орқали ахборотлар очиқлигини тўлиқ таъминлаш лозим бўлади.

2. Дивиденд сиёсати ва фойдани тақсимлаш механизми. Ҳар қандай акциядорлик жамиятида, умуман бизнесда инвестор учун қайтим ўта муҳим. Бундан миллий ва хорижий тижорат банклари ҳам мустасно эмас. Яъни уларда ҳам дивиденд сиёсати узоқ муддатли стратегияга асосланган ҳолда инвесторлар билан ўзаро манфаатли молиявий муносабатлар ўрнатилганида ижобий аҳамият касб этади. Масалан, Швейцариянинг “UBS Group” 2024 йилда акциядорларга 5,5 миллиард доллар миқдорида дивиденд тўлаган бўлиб, бу акциядорлар ишончини янада мустаҳкамлаган. Дивиденд сиёсати ва фойдани тақсимлаш механизми инвесторлар томонидан жозибадор баҳоланганида ўз-ўзидан қўшилган капитал ҳажмини ошириб бориш имконияти юзага келади.

3. Акциядорлар ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизими. Бунинг учун биринчи навбатда қонун устуворлиги шарт ҳисобланади ва суд тизими орқали ҳал қилинади. Хорижий мамлакатларда акциядорлар ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминловчи махсус институтлар фаолият кўрсатади. Буюк Британияда “Shareholder Rights Directive II” орқали акциядорлар онлайн овоз бериш ҳуқуқига эга. Ва

бу тизими ҳатто миноритар акциядорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳам таъминлашга хизмат қилади.

4. Инновацион мулоқот шакллари. Германия ва Канададаги тижорат банкларида акциядорлар билан муносабатлар онлайн платформалар орқали ташкил этилади. “Deutsche Bank” мисолида, 2024 йилда 70 мингдан зиёд акциядорлар электрон йиғилишларда иштирок этган. Янги Зеландиядаги тижорат банки акцияларига Португалиядан ёки Канададан турган ҳолда халқаро тўғридан-тўғри инвестициялар киритиш ва улушини ошириб бориш ёки акцияларни сотиш амалиёти аллақачон қўлланилиб келинмоқда. Бунда инвестор банк бошқарувида рақамли технологиялар воситасида иштирок этиб молиявий қарорлар қабул қилинишига ўз таъсирини бевосита кўрсатиш имкониятлари ҳам мавжуд. Мазкур ҳолатда акциядорлик амалиётининг онлайн тартибга ўтганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда республикамизда ҳам фонд биржаси мобил амалиётларига, акциядорлар умумий йиғилишида электрон овоз бериш ёки видеоконференциялар амалиётларига тўла-тўқис ўтиш лозим. Шунингдек халқаро фонд биржалари билан ўзаро интеграциялашган электрон савдо майдонларига чиқиш ҳам истиқболда тижорат банклари қатори барча акциядорлик жамиятлари, умуман эмитентлар фаолиятида алоҳида аҳамият касб этади.

5. Инвестицион жозибadorлик ва ESG тамойиллари. Глобал иқлим ўзгаришлари фонида яшил иқтисодиётни ривожлантириш масаласи ҳар қачонгидан муҳим бўлган шароитда хорижий банклар фаолиятида ESG стандартлари асосида акциядорлар билан муносабатни йўлга қўйиш тенденцияси кучаймоқда. Канададаги “Royal Bank of Canada” ESG асосида фаолият юритиши натижасида акциядорлар сони 2023 йилга нисбатан 11 фоизга ошган.

Умуман олганда хорижий тижорат банкларида акциядорлар билан молиявий муносабатларни самарали ташкил этиш қуйидаги ҳолатларда юқори натижа ва ижобий самара беради:

- соф корпоратив бошқарувга ўтилган ҳолда бошқарув тизими очиқ ва ҳисобдор бўлганда;
- дивиденд сиёсати барқарор ўсишга қаратилган ҳолда узоқ муддатли стратегия асосида амалга оширилганда;
- акциядорлар манфаатлари қонун ҳимоясида кафолатланганида;
- ахборот алмашинуви замонавий рақамли платформалар орқали амалга оширилганда;
- фаолиятда ESG ва ижтимоий масъулият тамойиллари қўлланилганда.

Шундай қилиб, хорижий тижорат банклари тажрибаси шуни кўрсатадики, акциядорлар билан самарали молиявий муносабатлар — бу фақатгина фойдани тақсимлаш эмас, балки ишонч, барқарорлик ва инвестицион муҳитни ривожлантиришнинг муҳим механизми ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Rose, P. S., & Hudgins, S. C. (2020). *Bank Management & Financial Services*. McGraw-Hill Education.

2. Saunders, A., & Cornett, M. M. (2019). *Financial Institutions Management: A Risk Management Approach*. McGraw-Hill Education.
3. Levine, R. (2021). "Corporate governance and financial intermediation." *Journal of Financial Intermediation*, 48(3), 100–118.
4. Basel Committee on Banking Supervision (2022). *Principles for the Effective Management and Supervision of Corporate Governance in Banks*. Bank for International Settlements.
5. OECD (2021). *OECD Principles of Corporate Governance*. Paris: OECD Publishing.
6. Хамидов, А. (2020). *Bank tizimi va uning rivojlanish istiqbollari*. – Тошкент: Iqtisod-Moliya nashriyoti.
7. Абдуллаева, М. (2021). "O'zbekiston tijorat banklarida aksiyadorlik kapitalini boshqarishning zamonaviy mexanizmlari." *Moliyaviy tahlil jurnali*, №4, 45–53-бетлар.
8. Karimov, N. (2022). "Tijorat banklarida korporativ boshqaruvni takomillashtirish omillari." *O'zbekiston Banklari* журналы, №2, 37–44-бетлар.